

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2018  
ОКтябрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

---

### **Н.ХОЛМИРЗАЕВ**

Баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари .....80

### **С.ЮЛДАШЕВ, Ҳ.АҲМЕДОВА**

Жамиятни илмий бошқаришнинг баъзи масалалари .....83

### **Н.ХАКИМОВ, А.АБДУМАЛИКОВ**

Ривожланишнинг янги босқичи шароитларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш .....86

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

---

### **Қ.ЮЛЧИЕВ**

Хроңотоп – лирик композиция асоси (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида) .....89

### **С.ЖУРАЕВА**

Лутфий тўртликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар .....92

### **Э.НАСРУЛЛАЕВ**

Алишер Навоий феномени ва жадид адабиёти намояндалари .....98

### **Р.ДАМИНОВА**

Туркий шеърятда ғазал .....102

---

## ТИЛШУНОСЛИК

---

### **Ш.ИСКАНДАРОВА, А.РАСУЛОВА**

Тўсиқсизлик категорияси ва тил мазмуний структураси хусусида .....106

### **З.АЛИМОВА**

Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган *но-* префиксли сўзлар хусусида .....109

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

---

### **Ш.ДЖУМАНОВ**

Бўлажак ўқитувчининг шахс бўлиб шаклланишида коммуникатив қобилият моҳияти .....113

### **Л.ШУКУРОВА, В.УМАРОВА**

Ўзбекистон ҳудудида ганчкорлик санъати тарихий ривожланиш босқичларининг илмий асослари .....117

---

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

---

### **Х.ЭШЧАНОВ, А.САРИМСАҚОВ, М.БАЛТАЕВА, М.НУРМАТОВА**

Полифункционал гемосорбент олиш усули .....121

### **Н.ОЛИМОВА, А.МИНОЖИДИНОВ**

Қорхонанинг амалий фаоллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари .....123

### **М.АБДУЛЛАЕВА**

Ибратнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси .....126

### **А.КОСИМОВ**

Ёзувчи Т.Мурод услубининг ўзига хослиги («Отамдан қолган далалар» романи мисолида) .....129

### **М.УСМОНОВА**

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар .....131

### **Р.АБДУЛЛАЕВА**

Оламнинг лисоний манзараси .....133

### **М.А.НАЗРАЛИЕВА, М.О.ОРИПОВА**

Ўқиш кўникмасини шакллантиришдаги муҳим ва самарали стратегиялар .....136

### **Ш.АБДУЛЛАЕВ**

Аҳил қўшничилик муносабатлари тарихий - маданий жараён сифатида .....140

---

## АДАБИЙ ТАҚВИМ

---

**Жаҳонга танилган олим** .....143

---

## ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

---

Библиография .....147

УДК: 370

## БАРКАМОЛ ИНСОННИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Н.Холмирзаев

### Аннотация

Мақолада баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари бўлган ақл, тўғрисиўзлик, меҳнат, урф-одат, анъана, диний эътиқод масалалари тўғрисида фикр юритилади.

### Аннотация

В статье рассматриваются основные факторы формирования гармоничной личности - интеллект, правдивость, труд, образованность, традиции, религиозное убеждение.

### Annotation

In this article the main factors of harmonious human formation such as intellect, veracity, labour, erudition, traditions, religious beliefs are considered.

**Таянч сўз ва иборалар:** баркамол инсон, таълим-тарбия, ақл, тўғрисиўзлик, меҳнат, инсонпарварлик, дин, урф-одат, анъана, диний эътиқод.

**Ключевые слова и выражения:** гармоничная личность, образованность, интеллект, правдивость, труд, гуманизм, религия, традиции, религиозное убеждение.

**Keywords and expressions:** harmonious person, education, intelligence, right word, labour, humanism, religion, tradition, religious convictions.

Қадимдан бебаҳо бўлиб келган илм-маърифат, таълим-тарбия инсон камолоти, миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови ҳисобланган. “Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун эътиқодли маънавий баркамол, камил инсонларни тарбиялаш зарур. Зеро, ҳақиқий эътиқодли кишилар ўзи яшайдиган уй, кўча, маҳалла, туман, мамлакат ва давлатга меҳр кўзи билан боқиб, унинг келажаги учун қайғурадиган олижаноб инсонлардир” [1.292].

Бугунги кунда баркамол инсоннинг таълим-тарбия масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралиб келинмоқда. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” [2.505]. Ушбу фикрлардан кўринадики, мамлакатимиз миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар соҳасидаги ислохотлар масалаларини ўрганиш ҳамда уни баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш имкониятларини келтириб чиқаради.

Баркамол инсон деб, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятига таянадиган, атрофдаги воқеликка бефарқ бўлмайдиган, жисмонан ва маънан етук, мустақил фикр юрита оладиган шахсга айтилади. Шунингдек, баркамол инсон – бу, юксак фазилатлар, жамият ижтимоий-маънавий тараққиёти учун зарур бўлган ахлоқий хислатларга эга истиқболли инсонлар мажмуи. Киши жамиятдагина

ўзлигини, фазилатларини намоён этганидек, у ижтимоий-маънавий хислатларини ҳам маълум бир муҳитда қарор топтиради ва шу муҳитнинг манфаатларига, кадриятларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунинг учун ахлоқ-одоб баркамоллик ва ижтимоий-маънавий тараққиёт белгиси сифатида қаралади.

Мустақил фикр юрита оладиган, яъни ақл билан иш бажарадиган баркамол инсонлар ўз тафаккурларини мустақил ишлата оладиган, ундан фақат эзгу мақсадларда фойдалана оладиган кишилар бўлиб, улар ҳар бир хатти-ҳаракатларини ақлга суянган ҳолда олиб борадилар. Ҳақиқатан ҳам инсонларнинг бошқа маҳлуқотлардан асосий фарқи ҳам уларнинг ақлидадир.

“Ақл арабчада ал-ақл бўлиб, асосланган, мақсадга мувофиқ деган маъноларни англатиб, инсон учун ўйлаш, фикрлаш, англаш ва хотирлаш, хулоса чиқариш имконини берадиган қобилият, ноёб маънавий ҳодиса” [3.55]. Ақлни фалсафий тушунча сифатида биринчи бўлиб қадимги юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту ўз қарашларида баён қилдилар ва унинг назарий асосларини ишлаб чиқдилар. Ўрта асрлардаги, Яқин ва Ўрта Шарқ фалсафий тафаккуридаги ақл тўғрисидаги таълимотлар бевосита Афлотун, Арасту фалсафий меросидан баҳраманд бўлган ҳолда шаклланди ва ривожланди. Форобийнинг фикрича, эзгу фикр, донишмандларнинг дурдона ғояларига мангулик муҳри босилганидек ақл ҳам абадийдир [4.56].

Абу Наср Форобий инсон фаолиятида ақлнинг аҳамиятини юқори баҳолаган. Унинг фикрича, фақат ақлгина

Н.Холмирзаев – Фарғона политехника институти ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

халқлар ўртасидаги низо (уруш)ларнинг беъмани офат эканлигини кўрсатади. Одамлар ақл асосида олий бахтиёрликка, бутун ер юзида бахтга – ўзаро келишувга эришади, деб ёзади форобийшунос олим М.М.Ҳайруллаев.

Бугунги кунда баркамол инсонни тарбиялашда ақлнинг ўрни беқиёсдир, шунингдек, у билан боғлиқ сир-синоатларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки дунёда глобаллашув бораётган жараёнда, ахборот оқими муттасил кучаяётган ҳозирги даврда фақат ақл-идрок, эзгу ғояларга эътиқод ва юсак маънавият баркамол инсоннинг асл табиатини сақлаб қолиш тизими сифатида намоён бўлади.

Абдулла Авлоний тўғрисида инсон қадр-қимматини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлаган ҳолда, "...сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадургон тарозудир. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўздан билурлар", [5.88] дейди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш" ҳуқуқига эгадир. Жумладан, инсоннинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида ҳам меҳнатсеварликнинг алоҳида ўрни бўлиб, у маънавий фазилат сифатида шахснинг ишчанлик кўринишини ифодаловчи тушунчадир. Меҳнат кишилиқ ҳаётининг асосий шarti, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади. "Ҳалол ва бунёдкор меҳнат доимо улуғланиб, таҳсинга сазовор бўлиб келган: ўзбек дехқонининг меҳнати – бу, ҳақиқий баркамолликдир" [6.61]. Меҳнат тарбияси кишидан ижтимоий фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, интизом батартиблик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ишчанлик, ишнинг кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади. Меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг биринчи ва асосий воситаси бўлганлиги учун ҳам меҳнат тарбияси тарбиянинг бошқа ҳамма турларидан олдин пайдо бўлган.

Меҳнат тарбияси ғоят кенг фалсафий-педагогик категория бўлиб, "меҳнат таълими", "касбга йўналтириш", "политехник таълим" сингари тушунчаларни ўз ичига олади. Меҳнат тарбияси билан шуғулланиш ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётининг асоси, баркамол инсонларни ҳаётга тайёрлашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам барча илоҳий китоблар ва мутафаккирлар томонидан яратилган битикларда меҳнат тарбиясига катта эътибор берилган.

Меҳнатсевар баркамол инсонлар меҳнат туридан қатъий назар, ҳар бир касбга ўз касбларини ардоқлаганларидек, меҳр билан қарайдиган кишилардир. Меҳнат инсоннинг яшаши ва моддий, маънавий, жисмоний эҳтиёжларини қондиришнинг асосий шартидир. Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг таъкидлашича, ҳаётнинг мезони инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракати, сифати ва гўзал фазилатидир. Инсон ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган хизматга, яъни меҳнатга бағишлаши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак. Шундагина у ўз инсоний бурчини адо этган баркамол инсон бўлади. Навоий меҳнатсеварликни чинакам инсоннинг энг асосий хусусияти, деб билган. Жумладан, у "меҳнатнинг саодати калити бил", [7.13] - дейди. Демак, "...ҳар қандай ютуқ, ҳар қандай ғалаба замирида аввало меҳнат ва қатъият, мардлик ва жасорат мужассам бўлиб, эл-юрт равнақи йўлидаги ҳалол хизмат албатта ўзининг муносиб баҳосини ва қадрини топиши керак" [2.535-536].

Шарқ ижтимоий-табиатшунослик фанларининг йирик вакилларида бири Абу Наср Форобий баркамол инсон бўлиши учун кишилар илм-маърифатли бўлиши, ҳалол меҳнат қилиши кераклигини таъкидлаш билан бирга, ўз даврида ислом мафкурасининг мутлақ ҳукмронлиги бўлса-да, инсон шахсининг ижодий ва бунёдкорлик кучини ва унинг камолотини, қадр-қимматини ғоят улуғлайди. Жумладан, мутафаккирнинг фикрича, инсон "ожиз банда" ёки "ҳеч нарсага қодир бўлмаган мавжудот" каби эмас, инсон – энг олий камолот бўлиб, "ақл-идрок зиёсига эга, ўзи учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратишга қодир борлиқдир" [9.85].

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, ёшларнинг маънавий қиёфаси уларнинг олдига қўйилган вазифаларга мос бўлмоғи учун улар юсак ахлоқли, илм-маърифатли, ўз касбини мукамал эгаллаган ва меҳнатсевар бўлишлари керак. "Бунинг учун меҳнат зарур, -деб уқтиради Беруний, - фақат ақл-идрок ва меҳнатнинг жонланишигина кишилар ҳаётини белгилаб беради. Инсон (баркамол инсон – Н.Х.)нинг асосий бурчи ва вазифаси меҳнат қилишдир, чунки исталган нарсага меҳнат сарфлаш орқали эришилади" [10.9].

Баркамол инсонни шакллантиришнинг омилларидан яна бири билимлиликдир. Билимли баркамол инсонлар ахлоқий, касбий, сиёсий, иқтисодий, диний ва бошқа билимларни тугал эгаллаб, уларни ҳаётда қўллана оладиган кишилар бўлиб, ижтимоий тараққиётда ўз ўринларига эга бўладилар.

Билимлиликнинг ўзаги бўлган билим инсоний қадриятлардан бири бўлиб, жамиятда

тўпланган илмий билимлар ўз далиллари билан биргаликда одамларнинг хилма-хил амалий ҳаракатларига асос бўлган умумий бойликни ташкил этади. Билим асосида атрофдаги воқеа ва ҳодисаларни англаш мумкинлиги тўғрисидаги тушунчалар ётади.

Маънавий баркамол инсон ўзи билган илм сирларини бошқаларга ўргатса, илмини жамият манфаатлари учун сарфласа, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирсагина, унинг имони бутун ва виждони покиза бўлади.

Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоида шаклларида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отган ва ривожланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тўхмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом қадриятларининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифалари бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турибди.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида баркамол инсоннинг таълим-тарбияси, унинг одоб-ахлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Муқаддас Қуръони Карим ва Хадими Шариф баркамол инсоннинг маънавий камолоти учун беқиёс манба эканлиги ҳаммамизга маълум. Ислом динининг фалсафий қирраларини очиб

беришда Қуръони карим, ҳадислар ва улардан маънавий озуқа олиб бойиган буюк мутафаккирларнинг асарлари катта аҳамият касб этади. Буюк бобокалонимиз аз-Замаҳшарий айтганларидек, “Ҳаракат заиф бўлган жойда, кучли билим фойдасиздир. Ҳаракатсиз билим – ипсиз камон ўқидир”. Қўриниб турибдики, бугунги кунда қўлга киритаётган ютуқларимизнинг асосини ҳаракат ва эътиқод ташкил қилади.

Эътиқод тушунчаси диний ва дунёвий талқинларга эга. Маълумки, диний эътиқод – Оллоҳнинг каломи ҳақиқий эканлигига астойдил ишониш, имоннинг 3 унсурларидан бири [11.278]. Имон буюк фазилатнинг қирраларидан биридир. Шунингдек, имони зиёда бўлган инсонда эътиқод мустаҳкам бўлади. У фақат инсонгагина хос бўлган фазилатлардан бири. Инсонийлик фазилатлардан бири бўлган эътиқод илм, илоҳий ишқ, ростгўйлик, саховат, фидойилик, вафо, ҳурмат-иззат, сабр-қаноат, камтарлик кабилар асосида бунёдга келади. Қўриниб турибдики, бундай фазилатларнинг барчаси маънавий баркамол инсон тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Дунёвий эътиқод, дунёдаги барча ўзгаришлар, ҳаракатлар билан муштарак бўлгандагина, инсондаги фазилатлар, уларнинг маънавий имони гўзал бўлади. Дунёвий эътиқод баркамолликни ўзида тўлдириб, бойитиб боради. Бугунги кунда дунёвий эътиқоднинг фазилатларига айланиб бўлган ватанпарварлик, жасурлик, меҳнатсеварлик кабилар ҳам баркамол инсон тарбиясининг асосий омилларидан ҳисобланади.

Шунингдек, жисмоний, руҳий ва ижтимоий соғлом, жисмонан бақувват ва тани-жони соғ, руҳий тарбияланган, илоҳий фикрларни ўзида мужассамлаштирган, мақсад-муддаолари, эзгу ниятлари ва эзгулик ғоялари билан сўғорилган ёшлар ҳам баркамол шахс сифатида эътироф этилади. Демак, баркамол инсонни шакллантиришда ақллилик, меҳнатсеварлик, билимлилик, илм ва маърифатли, юксак ахлоқ эгаси бўлишлилик алоҳида аҳамият касб этади.

#### Адабиётлар:

1. Шарифхўжаев М., Давронов З. Маънавият асослари. -Т., 2005.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т., 2010.
4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т., 2010.
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2006.
6. Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.
7. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. –Т., 1985.
8. Хайруллаев М. Форобий. –Т.: ЎзФА нашриёти. 1963.
9. Абу Райхан Беруни. Минералогия. Избр. соч. -Т.2. –Т., 1968.
10. Ислом энциклопедияси. -Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).